

Qishloq hayoti

Qishloq hayoti

2013 йил

Обод турмуш йили

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

www.qishloqhayoti.uz

2013-YIL 6-SENTABR, JUMA, 108 (8189)-son

1974-yil 1-yanvardan chiqqan boshlagan Bahosi kelishilgan narxda.



2013-2014 ўқув йилида мамлакатимиз умумтаълим мактабларида 394 номдаги 22 миллион 535 минг нуска дарслик тўлиқ нашр этилиб тарқатилди. Дарсликларда мазкур дарс соатларига, ўқувчининг ёш психологияси, билимларни бошқичма-бошқич эгаллаши ҳисобга олинганлиги билан ҳар ҳижатдан мукамал дейиш мумкин.



Ўзбекистон-Италия қўшма корхонасида ишлаб чиқарилган ушбу янги русумдаги ОВХдан ҳозирча вилоятда беш донга бўлиб, Избоскан тумани далаларида синовдан ўтмоқда. Айни кунларда туманда 29 та пурақач ёрдамида гўза барглари сунъий тўқтилмоқда. 10 иш кунинда 8310 гектар майдонда ушбу тадбирни амалга ошириш белгиланган.



Ашраф Шодмоновни вилоятда "Қўли енгил шифокор" деб алқашади. Неча йиллардан буён қанчадан-қанча инсонларнинг саломатлигини тиклаб, уларни ҳаётга қайтарган бу инсон вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт марказининг жарроҳлик бўлимида фаолият юритади.

САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА



ХИТОЙ ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИ РАИСИ СИ ЦЗИНЬПИННИНГ ЎЗБЕКИСТОНГА ТАШРИФИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг тақлифига биноан 2013 йил 8-10 сентябрь кунлари Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпин давлат ташрифи билан мамлакатимизда бўлади.

Ташриф давомида Ўзбекистон—Хитой стратегик ҳамкорлигининг бугунги ҳолати ва истиқболлари, савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликни кенгайтириш, халқаро ташкилотлар доирасида ўзаро ҳамкорликни мустақамлашга оид масалаларни кўриб чиқиш ва муҳокама қилиш, долзарб минтақавий муаммолар юзасидан фикр алмашиш режалаштирилмоқда. Музокаралар якунида икки давлат раҳбарлари Дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома ҳамда Икки томонлама стратегик ҳамкорликни янада чуқурлаштириш ва ривожлантириш ҳақидаги қўшма декларация, шунингдек, иқтисодий ҳамкорликка доир қатор ҳужжатларни имзолайдилар.

ИСТИҚЛОЛ ДУРДОНАЛАРИ

«ШҮРТАНГАЗКИМЁ» МАЖМУАСИ ВА У ЕРДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛАЁТГАН МАҲСУЛОТЛАР АНА ШУНДАЙ ТАЪРИФГА МУНОСИБ

ХАЙРАТЛАНСА ХАЙРАТЛАНГУЛИК ВОҚЕА
2002 йил Қашқадарё вилояти, қолаверса, мамлакатимиз тарихида ушбу йил алоҳида аҳамиятга эга. Айнан шу йили ўзимизнинг қувончимиз, гуруригимиз, ҳайратимиз майли, дунё аҳли лол бўлди, яна бир бор тан берди Ўзбекистонга. Ахир бу ҳайратланса ҳайратлангулик, гурурланса гурурлангулик воқеа эди-да. Мустақиллик йилнинг 11 йил тўлаётган мамлакатимиз айрим давлатлар асрлар давомида эриша олмаган яна бир улкан ютуқни қўлга киритганди. Яъни шу йили Президентимиз ташаббуси билан бунёд этилган ноёб корхона — «Шўртангазкимё» мажмуасида, умуман, Ўзбекистонда илк бор полиэтилен ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Утган йиллар давомида нафақат ноёб технологиялари ва юксак ўсиш суръатлари, балки амалга ошираётган эзгу ишлари билан яна қанча-қанча ҳайратларга, кувончларга сабаб бўлди бу корхона. Зеро чўлда бунёд этилган гигант корхонанинг ишга туширилиши юртимизда катта миқдорда валюта маблағларини тежаб қолиш, мамлакатимиз экспорт салоҳиятини янада мустақамлаш имконини берди. У ерда ишлаб чиқарилаётган полиэтилен кўплаб янги-янги соноат корхоналарининг вужудга келиши, мавжудларининг янада ривожланиши учун қулай шароитлар яратди.

Ушбу корхона жамоаси ҳам ўтган давр ичида янги-янги марралар сари дадил одимлаган ҳолда истиқлолимизнинг 22 йиллигини муносиб ютуқлар ва муваффақиятлар билан қутиб олди. Бугунги кунда корхонада тайёрланаётган юқори сифатли полиэтилен маҳсулотига нафақат ички, балки ташқи бозорда ҳам талаб ошмоқда. Биргина жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида қарийб 2,133 миллиард кубометр ҳомашё газни қайта ишлаб, 1,837 миллиард кубометр тозаланган газ, 66

минг тонна полиэтилен грануласи, 52,24 минг тонна суюлтирилган газ, 53,88 минг тонна газ конденсати ва 737 тонна олтингурут ишлаб чиқарилди.

МОДЕРНИЗАЦИЯ — УЗЛУКСИЗ ЖАРАЁН
Утган йиллар давомида корхонада янги тармоқлар ишга туширилиши эвазига ишлаб чиқариш салоҳияти ошириб борилди. Бу, бир томондан, янги турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқариш имконини берган бўлса, иккинчидан, кўплаб иш ўринлари яратилишига йўл очди. Хусусан, корхонага қарашли «Қаршитермопласт» цехида илғор технологиялар асосида бир қатор янги турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқарилиши ўзлаштирилиши ҳам ана шу мақсадларга хизмат қилди. Ушбу цехда бугунги кунда турли диаметрдаги полиэтилен қувурлар, қувурларни боғловчи фитинглар, отводлар, тройниклар, томчилатиб сугориш тизими шланглари, уларни боғ-

ловчи деталлар, канистрлар, алюмин-композитли қопламалар ишлаб чиқарилмоқда. Энг муҳими, мажмуада импорт ўрнини босувчи ва экспортга йўналтирилган маҳсулотлар тайёрлаш ҳажми кенгайиб бормоқда.

— Маҳаллийлаштириш дастурига киритилган янги турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш эвазига маҳсулот турини кўпайтириш ва қўшимча иш ўринлари яратишга алоҳида эътибор қаратялмиз, — дейди «Шўртангазкимё» мажмуаси директори, Олий Мажлис Сенатининг аъзоси Алишер Султонов. — Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларга талабнинг ортиб бориши, ички бозорда ҳам полиэтиленни қайта ишлаш тармоғи жадал ривожланаётганини ҳисобга олиб, мажмуада полимер маҳсулотлари турлари ва ҳажмини ошириш ҳамда «Шўртангазкимё» мажмуасида тозаланган метан газ асосида синтетик суюқ ёқилғи ишлаб чиқариш лойиҳаси бўйича

кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда.

Бундан ташқари, корхонада ишлаб чиқаришни модернизациялаш ва бошқа қатор янги лойиҳаларни ўзлаштиришга йўналтирилган дастур асосида ҳам тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Мажмуанинг бир неча йиллик фаолияти мобайнида газ таркибида қатлам суви ва газ конденсати миқдорининг ортиши туфайли юзага келаётган муаммоларни бартараф қилиш мақсадида янги «Сепаратор-дегазатор» қурилмаси барпо қилинди. «Қаршитермопласт» цехида Хитойнинг «Байхайуамин» («Baihaihuamin») компаниясидан келтирилган полиэтилен қувурлар ишлаб чиқарувчи экструзион линиялар ишга туширилди. Ушбу линиялар ёрдамида полиэтилен грануласини қайта ишлаш орқали диаметри 75 дан 250 ва 315 дан 630 миллиметргача бўлган полиэтилен қувурлар ишлаб чиқариш имкони туғилди.

(Давоми 2-саҳифада)

ЮКСАЛИШ ОДИМАЛРИ

ИЛҒОР ТЕХНОЛОГИЯЛАР САМАРАСИ
Навоий шаҳридаги «Жанубсанотмонтаж» ОАЖга қарашли «Навоийстальконструкция» шўба корхонасида металл буюмлар билан бирга намунавий лойиҳалар асосида бунёд этилаётган уй-жойлар учун иситиш қозонлари, турли ўлчамдаги дарвозалар ва шу каби тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Корхона директори ўринбосари Отабек Хайдаровнинг таъкидлашича, келажакда корхонага яна замонавий технология олиб келиш орқали янги иш ўринлари яратиш ва маҳсулот турларини кўпайтириш кўзда тутилмоқда. Айни пайтда корхонада 200 нафардан ортиқ киши меҳнат қилмоқда. Уларнинг аксариятини касб-ҳунар коллежларининг битирувчилари ташкил этади.

Азимжон ХУШВАҚОВ

РАВОН ЙЎЛЛАР — ЮРТ КЎРКИ
Пахтабод туманидаги «Хамжихат ягона қурилиш» масъулияти чекланган жамиятида ишлаб чиқариш ҳажми ортиб, йилига 45 минг тонна асфальт тайёрлаш имкони юзага келди. Бунга «Халқ банки»нинг 360 миллион сўм кредити эвазига корхона ускуна ва жиҳозларини янгилаш орқали эришилди.

— Учта замонавий юк машинаси сотиб олинганлиги ҳам корхонамиз томонидан кўрсатилаётган хизмат сифатини тубдан яхшилади, — дейди МЧЖ раҳбари Тоҳиддин Комилов. — Қисқа муддатда қарийб 1 миллиард сўмлик маҳсулот тайёрлаб, Андижон, Пахтабод туманлари ҳамда вилоят марказидаги 11 та кўчага сифатли асфальт босилди.

Айни пайтда корхонада меҳнат қилаётган ёшлар сони 20 нафарга етди.

Нурилло НЎЪМОНОВ

Қорақалпоғистон Республикаси

ЯНГИ ЎҚУВ ЙИЛИ ЯХШИ КАЙФИЯТ БИЛАН БОШЛАНДИ

Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги тасарруфида жами 739 та умумтаълим мактаблари, жумладан, 1 та махсус мактаб, 3 та махсус мактаб-интернат, 1 та Меҳрибонлик уйи, 318 та мактабгача таълим муассасаси, 21 та болалар мусиқа ва санъат мактаби, 35 та болалар ва ўсмирлар спорт мактаби, 17 та «Баркамол авлод» маркази фаолият олиб бормоқда.

Мустақиллик йилларида таълим тизимида ҳам кенг қамровли бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги мутахассисларининг таъкидлашича, сўнгги 10 йил мобайнида Оролбўйида 40 та умумтаълим мактаби янгидан қурилиб, 275 та мактабда капитал реконструкция, 280 та мактабда капитал таъмирлаш, 148 та мактабда жорий таъмирлаш ишлари олиб борилди. Жорий йилнинг ўзида Болалар спортини ривожлантириш жамғарма-

си маблағи ҳисобидан Хўжайли, Қонлиқул, Амударё туманларида болалар мусиқа ва санъат мактаблари, Нукус туманида Болалар спорт мажмуаси, Тахтақўпри, Чимбой, Амударё, Кегайли, Қонлиқул туманларидаги 5 та умумтаълим мактаби қошида спорт заллари янгидан барпо этилган бўлса, Амударё ва Тўртқул туманларидаги болалар ва ўсмирлар спорт мактабларида капитал реконструкция ишлари бажарилди. Келгуси 2014 йилнинг Инвестиция дастурига 26 та умумтаълим мак-

таби киритилган бўлса (12 мактабда капитал реконструкция, 14 мактабда капитал таъмирлаш), 3 та мактаб Ислон тараққиёт банкнинг маблағи ҳисобидан янгидан қурилади. 2013-2014 ўқув йилида 1-синфга 28740 нафар ўқувчи қабул қилиниб, уларнинг барчасига Президентимиз совғаси — 12 номдаги ўқув жиҳозлари топширилди. Бундан ташқари, кам таъминланган оилалар фарзандларига 3705 киши кирилди жамланмаса, 4-5, 6-7 синф ўқувчиларига 186 номдаги 121 минг донадан

зов учинчи ўринларни эгаллади. «Билимлар беллашуви»нинг республика босқичида Кўнғирот туманидан 3 нафар, Нукус шаҳридан 3 нафар, Чимбой туманидан 1 нафар ўқувчи голиблар сафидан жой эгаллашди.

— Бугунги кунга келиб 18 та умумтаълим мактабида физика, 12 тасида кимё-биология, 3 та мактабда кимё, яна 3 тасида биология ўқув лабораториялари, 15 та умумтаълим мактабида эса компьютер синфхоналари ташкил этилиб, замонавий ускуналар билан жиҳозланди, — дейди Қонлиқул тумани халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими мудири Мурат Тажетов. — Инвестиция дастури асосида 8-умумтаълим мактабида капитал таъмирлаш ишлари бажарилиб, янги ўқув йилига тухфа қилинди. Бундан

ташқари, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маблағи ҳисобидан 19-болалар мусиқа ва санъат мактаби, 3-умумтаълим мактаби қошида спорт зали қурилиши олиб борилаётган бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 22 йиллиги байрами арафасида тумандаги 4-умумтаълим мактабининг қорақалпоқ тили ва адабиёти фани ўқитувчиси Роза Алланиязова «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган халқ таълими ходими» унвони билан тақдирланди.

Хулоса қилиб айтганда, Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги қарашли барча умумтаълим мактабларида «Билимлар кун» кенг нишонланган, янги ўқув йили хуш кайфиятда бошлаб юборилди.

Дауд АБИБУЛЛАЕВ, «Qishloq hayoti» муҳбири.

Наманган вилояти

ҚУЛАЙЛИК ЯРАТИЛДИ

«Наманган-Андижон» автомобил йўлининг Норин дарёси узра қурилган кўприк муҳим қатнов йўли сифатида ярим асрдан буён эл-юртга хизмат қилмоқда.

Ушбу ишоот кейинги пайтларда таъмирталаб бўлиб қолган, бу эса автомашиналарнинг бемалол ҳаракатланишида қийинчилик туғдираётган эди. Мазкур ишоот истиқлолимизнинг 22 йиллик байрами арафасида таъмирланиб, фойдаланишга топширилди. Таъмирлаш ишларига салкам 1 миллиард сўмлик маблағ йўналтирилди.

Замонавий қиёфага эга бўлган кўприкни фойдаланишга топшириш маросимида Наманган вилояти ҳокими Б.Юсупов иштирок этди.

Маъмур МУСОЛИМОНОВ

Жиззах вилояти

Мирзачўл туманининг энг олис ва чекка қишлоқларидан бири томонга ихчам ва югурик энгил автомашинаси елиб бормоқда. Уни бошқараётган шофёр йигитнинг ўй-хаёли машинасини бир текис бошқариб, ёнида хиёл энгашганича мудраб кетаётган аёлни безовта қилмай, манзилга етказишда. У аёлни ўзгаларнинг кўпгина ташвишлари туфайли уйқуан қолган, шу боис, мудраб бораётир, деб ўйласа-да, аёл асло ухлаётган эмасди. Шофёр йигитнинг бутун эътибори ва нигоҳлари йўлда бўлгани учун унинг гоҳ-гоҳида мижжалари кўтарилиб, кўз остидан ўзига ва йўлга қараб қўяётганини сезмасди.



Қалбида меҳри бисёр

масалалари бўйича маслаҳатчиси Барфи Аманова. – Қарийб 20 йилдан бери бирга ишлаб, унинг ташкилотчилик билан, гайрат-шижоат билан ишлади. Бошқа бўлим мудириларидан фарқи равишда қозғоларга ўралшиб қолмади, доимо чўлқувлар орасида бўлишга ҳаракат қилди. Бу билан унинг обрў-эътибори тобора орта борди. Опа — Мария Михайловна 1984-1992 йилларда туманда маълум лавозимларда ишлаб, кам таъминланган оилалар, ёлғиз қариялар, пенсионер ва ногиронлар гамхўрига айланди. Айниқса, давлатимиз мустақиллигининг дастлабки йилларида бошлаб Юртбошимиз томонидан узокни кўлаб амалга оширила бошланган кенг кўламли ишохотларни ҳаётга татбиқ этишда аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишда жонбозлик кўрсатди. Аёллар саломатлигини мустаҳкамлаш, оналик ва болалиқни муҳофаза этишни ташкил этиш, ишчилар турмуш фаровонлигини ошириш борасида туман раҳбарлари билан елкама-елка туриб, кўлаб ташкилий ишлар ташаббускори бўлди. Мария Михайловна Сафонова шу тарика одамлар орасида обрў-эътибор топиб, кўп йиллардан буён туман ҳокимининг ўринбосари, хотин-қизлар кўмитаси раиси лавозимида ишлаб келяпти. – Мария опа табиятан тиниб-тинчимас ва меҳнаткаш аёл, – дейди тумандаги Мирзадала шаҳарча фуқаролар йилғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия

МУНОСИБ МУКОФОТЛАНГАНЛАР

бат Ёқубова. — Мария опа ташкилотчиликда туман қишлоқ ва маҳаллаларида ўтказилаётган «Ойларнинг соғлом турмуши», «Ёшларимиз на-шаванд эмас, меҳнаткашдир», «Ҳавойи орзулар йўлида ўзингни хор этма!», «Шўринг курсин, одам савдогари!» каби мавзулардаги ёшлар билан суҳбат-мулоқотлар ижобий самара бермоқда. Шу боис, бирор маҳалла ё қишлоқни кўйинг, жорий йилнинг ўтган даврида бутун туманимиз бўйича ёшлар ва хотин-қизлар орасида бирорта ҳам жиноятчилик ёки ҳуқуқбузарлик ҳодисалари содир этилмади. – Ёшлар ва умуман, аҳоли ўртасида наркотик ва гиёҳвандлик моддаларининг зарари ҳамда одам савдосига қарши курашга оид қанчалик таъсирчан оғзаки тарғибот олиб бормаёлик, бу йўл бошида турган кишини қайтариш мушкул, – дейди Мария Сафонова. — Шунинг учун уларга, аввало, иш ўринлари ярати бериб, фойдали ижтимоий меҳнатга жалб этишимиз лозим. Қўмитамиз вилоят ва туман ҳокимликлари, йирик саноат ва кичик хусусий корхоналар, фермер хўжаликлари ва фирмалар кўмағига Обод турмуш йилнинг шу давригача 672 нафар ёш ва хотин-қизни доимий иш билан таъминлади. Бундан ташқари, қанчалик меҳнатга жалб этилган аёлларимиз ҳам кўпчилик. Айни пайтда туман тадбиркорлари орасида «Устоз-шоғирд» аъна-сини йўлга қўйиб, 32 нафар ёш чеварлик илҳомчиларига касб ўргатамиз. Биргина Иқболхон Ахронова бошлик «Иқболхон Мар-жона» хусусий фирмасида 14 на-фар қиз бичувчи-тикувчилик, 4 на-фар қиз қандолатчилик ва 5 нафар қиз бошқа касблар бўйича тайёр-ланмоқда. Мирзадала шаҳарча фу-қаролар йилғинида чевар Шаҳноза Қобилова бошчилигида бичиш-ти-киш устaxonаси бунёд этилиб, 8 нафар чевар қиз доимий иш билан таъминланди, 11 нафари эса би-чиш-тикиш сирларини ўрганиш-яп-ти. Яқин кунларда уларнинг барча-си ўз тадбиркорлик фаолиятлари-ни йўлга қўяди.

Ёшларнинг Мирзачўл тумани ҳокимининг ўринбосари, туман хотин-қизлар кўмитаси раиси Мария Сафонованинг кўп қиррали фаоли-ятидан қисқа лавҳалар, холос. Ишончимиз комилки, ушбу қисқа битиклардан ҳам меҳнаткаш ва ти-ниб-тинчимас аёлнинг катта қалб эгаси эканини, фаолияти эса му-кофотларга лойиқлигини англадин-гиз. Дарҳақиқат, шундай! Мустақил-лигимизнинг йилгирма икки йилли-ги байрами арафасида Президент-имиз Фармонига биноан, Мирзачўл хотин-қизларнинг етакчиси — Ма-рия Михайловна Сафонова давла-тимизнинг «Дўстлик» ордени билан тақдирланди. Бундан бутун туман аҳли, туман хотин-қизлари, ёшлар, нуруийлари ва барча каттаю кичик беҳад хурсанд бўлди. Шу хурсанд-чиликни Мария Сафонова доимо гам-ташвишларини бўлишиб, шод-ликлар бахш этишга ҳаракат қилган, ижтимоий муҳофаза ёрдамлари би-лан кўлаб-қувватлаган кишилар, оилалар, кесаллар, ногиронлар, оналар ва беклар ниҳоятда катта кўтаринки кайфиятда баҳам кўра-ётирлар.

Келдиёр ЖўРАКУЛОВ, «Qishloq hayoti» муҳбири.

Қашқадарё вилояти

Эл саломатлиги — энг катта бойлик

Ашраф Шодмоновни вилоятда «Кўли энгил шифокор» деб алқашади. Неча йиллардан буён канчадан-қанча инсонларнинг саломатлигини тиклаб, уларни ҳаётга қайтарган бу инсон вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт марказининг жарроҳлик бўлимида фаолият юритади.



Тиббиётга ёшлигимдан қизиқишим жуда баланд эди, – дейди Ашраф Шодмонов. – Шифокор бўламан дедим. Бўлдим. Аммо орзуларимга етиш осон бўлмади. Самарқанд тиббиёт институтида ўқидим. Талаба бўлган кундаги қувончимни эсласам ҳали-хануз ҳаяжонга тушаман. Уқиб изланиб, кўнглидаги эзгу мақсади сари интилишдан бир дам бўлса-да ортга чекинмаган ёш Ашрафжон бор куч ва имкониятини тиббий билимларни эгаллашга бағишлади. Уқини тугатган, вилоят диагностика марказида иш бошлади. Кейинчалик фаолиятини Республика шохилинч тез тиббий ёрдам марказида давом эттирди. Айниқса, ҳозирда фаолият олиб бораётган вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази шифокори бўлиб қолди. Қисқа муддат ичида болаларда суюқ, ўпка, қорин бўлишидаги хасталикларни жарроҳлик йўли билан даволашга эришилди. Бу борада Ашраф Шодмо-

Сурхондарё вилояти

«ТАБАССУМ»НИНГ БЕТАКОР ЛИБОСЛАРИ

Денов туманидаги «Табассум» корхонаси замонавий технологиялар асосида фаолият юритмоқда. Тадбиркор Азиза Гаффорованинг таъкидлашича, бу ерда эркаклар ва аёллар либослари ҳамда замонавий турдаги пардалар тайёрланмоқда.

Жамила Жўраева, Мавжуда Холмуродова, Дилором Норқуллова сингари қўли гул чеварлар шу кунгача юздан ортқ қизларга тикиш-бичиш сирларини пухта ўргатишди. Корхона жамоасининг эришяётган ютуқлари кўпчилик томонидан эътироф этилаётир. – Касбим билан фахрланаман, – дейди Азиза Гаффорова. — Хунарим ордидан Азиза тикувчи деган ном орттирдим. Цехимизда барча турдаги хизматлар ўз вақтида ба-жарилади. Уч ойда бир марта «Очқ эшиклар кўни» ўтказилади. «Очқ эшиклар кўни»да иштиёқчиларга тикувчилик касбини нозик сирларигача ўргатилади. Бун-

Эълонлар

Мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча қурилиш ташкилотлари ва корхоналар диққатига!

АНДИЖОН ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ «ЯГОНА БУЮРТМАЧИ ХИЗМАТИ» ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ ҚЎЙДАГИ ИНШООТЛАРГА ПУДРАТЧИ ТАШКИЛОТНИ ТАНЛАШ БЎЙИЧА ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

Буюртмачи: Андижон вилояти ҳокимлиги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси. (Андижон шаҳар Навоий кўчаси 45-уй, Тел: (998 74) 223-08-68)

ЛОТ-1
ЛОТ 1-1. Андижон шаҳар «Бобуршоҳ-Туркистон» кўчасидаги сув тармоғини реконструкция қилиш.
Объектнинг бошланғич нархи (КҚС билан) – 123.013.270 сўм.
Объектнинг бошланғич нархи (КҚСсиз) – 102.511.058 сўм.
Ишларни тугаллаш муддати – 60 кун.

ЛОТ 1-2. Булоқбоши тумани «Андижон» ШИФДАги сув тармоғини ва насос станциясини реконструкция қилиш (II-этан).
Объектнинг бошланғич нархи (КҚС билан) – 128.224.270 сўм.
Объектнинг бошланғич нархи (КҚСсиз) – 106.853.558 сўм.
Ишларни тугаллаш муддати – 60 кун.

ЛОТ 1-3. Қўргонтепа тумани «Султонобод» қишлоқ аҳоли яшаш пунктидаги ташқи сув тармоғи қурилиши (II-этан).
Объектнинг бошланғич нархи (КҚС билан) – 208.337.330 сўм.
Объектнинг бошланғич нархи (КҚСсиз) – 173.614.442 сўм.
Ишларни тугаллаш муддати – 60 кун.

Молиялаштириш манбаси: бюджет маблағлари ҳисобидан.
Бошланғич қиймати 500 миллион сўмгача бўлган қурилиш ва реконструкция қилиш объекти буйича танлов савдолари фақат кичик бизнес субъектлари ўртасида ўтказилади.

Танлов савдоларида қатнашиш учун талабдорлар кўйидаги шартларга мос келиши керак: танлов савдолари предметининг 20 физици мулкдориди қонун ҳужжатларига мувофиқ импорту қилувчилар қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни импортуга етказиб бериладиган танлов шартлари катнашчиларнинг таклифларини баҳолашда қўрсатиб ўтилган солиқ суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

Савдодо қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси

Table with 4 columns listing various companies and their details, including registration numbers and contact information.

Footer section containing contact information for the newspaper, including phone numbers, email addresses, and publication details.